

**ТИББИЁТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТИББИЙ
БИОКИМЁ ФАНИНИ МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

Муртазаева Насиба Комилжоновна

*Тошкент давлат педагогика университети мустақил
тадқиқотчиси*

Калит сўзлар: *модул, модулли ўқитиш технологиялари, инновация, интерфаол методлар, модулли кредит тизими.*

Тадқиқотнинг предмети *олий таълим муассасаларида тиббий биокимё фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш мазмуни, шакллари, усуллари ва воситалари.*

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, ижтимоий методларидан фойдаланилган.

Дунёнинг турли мамлакатларида кўплаб тадқиқотчилар таълимда инновацияларни қўллаш бўйича ҳар доим изланишлар олиб боришган. Улар “инновация”, “интерфаол методлар”, инновацион технологиялар тўғрисида яхши ахборотлар йиғишган. Кейинги йилларда инновацион ва ахборот технологияси асосида мустақил таълимни амалга оширишга оид илмий - методик тадқиқотлар ва таълимни амалга ошириш тажрибалари бу муаммони ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатмоқда [1, - б. 256; 2, 113-б.]. Масалан, инновацион технологиянинг «Ақлий ҳужум», «Пинбоард», «Кластер», «Лойиҳалаш», «Ассесмент», «Кейс-стади» технологиялари асосида талабаларнинг мустақил таълимини амалга оширилмоқда.

Таълим жараёнига инновацияларни қўллаш бугунги кунда қуйидаги вазибаларни амалга оширишни талаб этади:

- ўқув фанининг аниқ мақсадини аниқлаш;
- фаннинг ҳажми ва мазмунини аниқлаш;

- зарур бўлган таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва тавсия этиш;

- фаннинг моддий ва техник таъминотини яратиш;
- таълим оловчиларнинг хусусиятларини ўрганиш;
- ўқитувчининг тайёргарлиги ва дарс машғулотини лойиҳалаш.

Хориж таълимида инновацияларни қўллаш бўйича қуйидаги инновацион педагогик технологияларга оид маълумотларга тўхталишни жоиз деб билдик[3].

Модулли ўқитиш таълимнинг қуйидаги замонавий масалаларни ҳар томонлама ечиш имкониятини яратади:

Модул – фаолиятлик асосида ўқитиш мазмунини оптималлаш ва тизимлаш дастурлар ўзгарувчанлиги, мослашувчанлигини таъминлайди;

- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- амалий фаолиятга ўргатиш ва кузатиладиган ҳаракатларни баҳолаш даражасида ўқитиш самарадорлигини назорат қилиш;
- касбга қизиқтириш асосида фаоллаштириш мустақиллик ва ўқитиш имкониятларини тўла рўёбга чиқариш.

Модулли ўқитиш самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- таълим муассасасининг моддий-техник базасига;
- малакали профессор-ўқитувчилар таркиби даражасига;
- талабалар тайёргарлиги даражасига;
- кутиладиган натижалар баҳосига;
- дидактик материалларнинг ишлаб чиқилишига;
- модулар натижаси ва таҳлилига.

Модулли ўқитишда ўқув дастурларини тўла қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табақалаш орқали босқичма-босқич ўқитиш имконияти яратилади, яъни ўқитишни индивидуаллаштириш мумкин бўлади[4].

Модулли ўқитишга ўтишда қуйидаги мақсадлар кўзланади:

- ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;

ўқув материални мустақил ўзлаштириш учун шароит яратиш;

ўқитишни жадаллаштириш;

фанни самарали ўзлаштиришга эришиш[5].

Модулли ўқитиш технологиялари, ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у таълим олувчиларнинг билим олиш имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига энг яхши мослашган. Анъанавий таълимда ўқув мақсадлари педагог фаолияти орқали ифодаланган, яъни билим беришга йўналтирилган бўлса, модулли ўқитишда таълим олувчилар фаолияти орқали ифодаланиб, касбий фаолиятга йўналтирилган бўлади.

Хулоса қиладиган бўлсак, модулли ўқитиш фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган маълумотлар берувчи муаммоли ва йўриқли маърузалар ўқилишини тақозо этади. Маърузалар талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилмоғи лозим. Модул амалий ва лаборатория машғулотилари маърузалар билан бирга тузилиши, улар маърузалар мазмунини ўрганиладиган янги материал билан тўлдирилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Mamadaliyeva Z.R. Tibbiyot oliy ta'lim muassasalarida crocodile ict dasturi asosidagi virtual laboratoriyalarda o'qitish metodikasi // “Toshkent davlat pedagogika universiteti ilmiy axborotlari” ilmiy-nazariy jurnal. ISSN:2181-9580, –Toshkent, 2021. (13.00.00 №32)
2. Mamadaliyeva Z.R. Tibbiyot oliy ta'lim muassasalarida biokimyo fanini o'rgatishda virtual laboratoriya ishlaridan foydalanish ta'lim sifatini oshirish omili sifatida // NamDU ilmiy axborotnomasi. ISSN 2181-1458, – Namangan, 2023. -№4 -B 809-814. (13.00.00 №30)
3. Mamadaliyeva Z.R. Virtual laboratory - information in education a specific factor of the communication system in the form // Eurasian Scientific Herald journal. ISSN:2795-7365, Belgium. SJIF(2023):6.512. Vol.5, 2022. p. 92–95.

<https://www.geniusjournals.org/index.php/esh/article/view/614>

4. Mamadaliyeva Z.R. Methodology for determining the level of bilirubin in the blood in a biochemical analyzer in a Virtual laboratory method // International conference on advance research in humanities, sciences and education. England. 2023. Vol.1, №1. p.20-

<https://confrencea.org/index.php/confrenceas/article/view/371>

5. Mamadaliyeva Z.R. Tibbiyot oliy ta'lim muassasalarida localhost dasturi asosida biokimyo fanini virtual laboratoriyalardan foydalanib o'qitish // The role of exact sciences the era of modern development. Nukus. Vol.1 №.1, 2023. p. 47-51.

<https://uzresearchers.com/index.php/RESMD/article/view/765/703>

6. Мамадалиева З.Р. Виртуал лаборатория ишларидан ўқув сифатини ошириш элементи сифатида фойдаланиш. // “Ilmiy tadqiqotlar, innovatsiyalar, nazariy va amaliy strategiyalar tadqiqi” respublika ko'p tarmoqli, ilmiy konferensiya. Andijan. №9, 2023. -Б. 108-111.

<https://ojs.rmasav.com/index.php/ojs/issue/view/28/45>

7. Mamadaliyeva Z.R. Virtual laboratoriya usulida qonda xolesterin miqdorini biokimyoviy analizatorida aniqlash // “Biologik kimyo fanining zamonaviy tibbiyotdagi o'rni-kecha, bugun va erta” respublika ilmiy-amaliy konferensiya to'plami. Buxoro, 2022. -b. 113-114.

8. Mamadaliyeva Z.R. Improving the quality of learning through virtual laboratory work use as element // Eurasian Scientific Herald journal. ISSN: 2795-7365, Belgium. SJIF(2023):6.512. Vol.5 2022. p. 84-86.

<https://www.geniusjournals.org/index.php/esh/article/view/612>

9. Мамадалиева З.Р. Тиббиёт олий таълим ташкилотларида биокимё фанини виртуал лабораториялардан фойдаланиб булутли технологияларнинг тарқатиш моделлари методикаси // "Science and Education" scientific journal. ISSN 2181-0842, Toshkent. SJIF(2023):3,848. vol.4 2023. -б. 1227-1233.

<https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/5196>

10. Mamadaliyeva Z.R. Virtual laboratory - information in education a specific factor of the communication system in the form // Eurasian Scientific Herald journal. ISSN:2795-7365, Belgium. SJIF(2023):6.512. Vol.5, 2022. p. 92–95.
<https://www.geniusjournals.org/index.php/esh/article/view/614>